

БУГУННИНГ ГАПИ

ҚАҲРАМОН ҲАЛҚИМИЗГА ФАРЗАНДЛИК МЕХРИ  
ВА САДОҚАТИ БИЛАН БОШ ЭГИБ, ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ  
ТИКЛANIШ» ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНГ  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ



ISSN 2010-7714



№ 31-32 (1082) 2020 йил 1 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси

БИЛАН БОШ ЭГИБ, ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН.

БУ ЖАФОКАШ  
ВА МАТОНАТЛИ  
ҲАЛҚИМИЗНИНГ  
БАХТИДИР!

tiklanish

www.mt.uz / mtiklanish@mail.ru / mtiklanish@bk.ru

«СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ,  
САОДАТ МАСКАНИ,  
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

4

ОФИЗБИРЧИЛИКНИ  
БЮОК ФАЗИЛАТГА  
АЙЛАНТИРАЙЛИК

8

# ЙўЛИМИЗ ТҮФРИ

Хар қандай мустақил

давлат мустаҳкам маънавий  
пойдеворга эга булгандагина  
юксак тараккиётга эриша олади.

Нафакат илм ва

интиқисодиёт, балки тарбия  
бизни юқсалтиради.

✓ Вақт ўтиб, болаларимиз ҳам

Улуғбек, ибн Сино, Беруний бўлади,  
мен бунга албатта ишонаман.

✓ Энг катта  
мақсад-  
муддаомиз  
ҳалқимизни  
рози қилиш!

## МУСТАҚИЛЛИК

БИР МАРТА ҚЎЛГА КИРИТИЛИБ,

ҚИЁМАТГАЧА ҲИМОЯ

ҚИЛИНАДИГАН НЕЪМАТДИР!

6

Пойтахт  
ўз номига  
муносиб  
иудан боряпти

7

Қуий бўгин  
зиммасидаги  
юқори  
масъулият

Ишонч  
туйғусидан  
кучлироқ  
туйғу йўқ!

10

ЎзА













ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИГ

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

ВАТАН ОНАМИЗ ҚАБИ МУҚАДДАСДИР.  
ШУНИНГ УЧУН ҲАМ УНИНГ ЭРКИ, ОЗОДЛИГИ  
ЙЎЛИДА СОДИҚ ФАРЗАНДЛАРИ ЎЗ ЖОНЛАРИНИ  
ҲАМ ҚУРБОН ҚИЛГАНЛАР.  
ОНА ВАТАНИМИЗ ЭРКИ ҚҮЛГА КИРИТИЛГАН КУН  
МУБОРАК Бўлсин барчамизга!

✓ Худудий кенгашларда

## Пойтахт ўз номига муносиб йўлдан боряпти



Миллий мустақиллик  
ғояларига содик  
эканини амалда  
намоён этиб, ўзбек  
давлатчилиги  
ривожининг кўп  
минг йиллик тарихий  
таҳияни барпо  
таянган ҳолда иш  
кураётган Ўзбекистон  
«Миллий тикланиш»  
демократик партияси  
аъзолари ҳам Янги  
Ўзбекистонни барпо  
етиш жараённада  
фаол иштирок  
этмоқдалар.

Хусусан, партиямиздан сайланган депутатлар, партия фаоллари ташаббуси билан миллиатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида бирлаштирган, халқимизнинг манфаат ва масадларини ўзида ифодалаган, жамият тараққиётiga хизмат киладиган Миллий гоя концепцияси лойиҳаси ҳам айнан партиядошларимиз ташаббуси билан ишлаб чикилди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси устида ҳам тизимиш ишлар олиб бориляпти. «Соф давлат тилида жамоатчилик нazorатини таъминлашга қаратилган талаблардан иборат «Тип поспонлари» гуруҳи эса жойлардаги муаммоларни аниқлаб, улардан жамоатчиликни хабардор қилиб боряпти.

Маълумки, якнада Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси қабул қилинди. «Таълим тўғрисида»иги янги қонунга эса фракция аъзолари томонидан «тарбия» тушунчалиги киритилиб, таълим ва тарбия жараёнларига

миллий ва умуминсоний қадриятларни синдириш қатъий белгилаб кўйилди. «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни қабул килиниб, тизимда тарбия ва таълимнинг уйғуллиги ва узувлигини таъминлаш учун қонуни асосларидан ишлаб чиқиб келиб ётди.

Айнан пайтда Тошкент шаҳар кенгashi томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётган. Хусусан, 19 мингга яқин партия аъзолари, 68 нафар депутат ва бошқа фаоллар кучи билан ўндан ортиқ партияий лойиҳалар ижроси ҳаётга татбик этилмоқда. 2020 йилнинг ўтган даврида маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан турли мансабдор шахслар номига 97 та депутатлик сўровлари юборилиб, улардан жамоатчиликни хабардор қилиб боряпти.

Тошкент шаҳрида пандемия билан боғлиқ вазият анчайин мураккаблашган кунларда аҳолининг шикояти ва аризаларидан келиб чиқиб, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгashiдаги депутатларимиз ташаббуси билан шаҳар санитария-эпидемиологияси назорати

ти бошқармаси ҳамда санитария осойишталик маркази раҳбарларининг хисоботлари эшитилди. Шуни алоҳида қайд этиши жоизи, ўрганишлар даврида ушбу идоралар раҳбарларининг

йўлилган қонунбузилиш ҳолатларини ўрганиш учун Тошкент шаҳар прокуратураси га тақдимнома киритиш тақлифини билдириши.

„Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган гоя ва ташабbusларнинг пойтахтимизда ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлашда партияйи ҳамжihatлик мухим омил бўлмоқда.

Лоқайдлиги, реал ҳолатни тўғри баҳолай олмай, мавжуд имкониятлардан оқиёна фойдаланмагани натижасида бир неча қонунбузилиш

ўз лавозимига нолойиҳа хисоблаб, йўл кўйилган қонунбузилиш ҳолатларини ўрганиш учун Тошкент шаҳар прокуратураси га тақдимнома киритиш тақлифини билдириши.

Психолог, ҳайдовчи ва техник ходимлар ва ҳатто ошпазлар қўшилиши натижасида бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Депутатларимиз ташаббуси билан туну кун ишлайдиган «Call-centr», 50 дан ортиқ кўнгилларни бирлаштирган 8 та мобил гуруҳ ҳам ташкил этилди. Ҳар бир гуруҳ кунига 20 тагача бўлган хонадонга биринчи ёрдам кўрсатиш, доридармон, тиббий жиҳозлар ва озиқ-овқат етказиш, руҳий ва маънавий кўллаб-куватлаш ҳамда «COVID-19»га қарши ахборот-тарғибот хизматларини кўрсатдилар.

Шу ўринда, «Ўймай» лойиҳаси доирасида

1000 дан ортиқ хонадонга

ташкил буорилиб, муммолов ўрганилганини

ва аниқланган камчиликларга

еҳим топилганини

кайд этиши жоиз.

«Хизмат – беминнат»

лоқайдлиги доирасида эса

58 та янги ўкув курслари

ташкил қилинди. Уларда

вақтинча ишисиз бўлган

200 дан ортиқ хотин-

қизларнинг бепул хунар

ўрганишлари учун шароит

яратилди. Шунингдек,

«Ёшлар қаноти» томо-

нидан 31 та бепул ўкув курслари ташкил этилиб, унга кам таъминланган оиласлар ва ўзлаштириши паст бўлган 281 нафар ўкувчи жалб қилинди.


Албатта, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган гоя ва ташабbusларнинг пойтахтимизда ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлашда партияий ҳамжihatлик мухим омил бўлмоқда. Бу эса одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари, уларнинг давлат бошқаруви ва сиёсий воқеуларнда ўз ўрнига эга булиши ҳамда пойтахт ахолисининг маънавий дунёкашини юксалтиришда намоён бўлмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, Тошкент шаҳар кенгashi раҳбаририяти ва минг-минглаб партия дошларимиз номидан барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги билан муборакбод этамиз.

Ҳамдам НИЁЗОВ,  
Ўзбекистон «Миллий  
тикланиш» демократик  
партияси Тошкент  
шаҳар кенгashi дёвони  
раҳбари

# ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИГ ҚАРОҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

МУҚАДДАС ЗАМИНИМИЗДА БАХТ ВА БАХТИЁРЛИК  
ҚУШИФИ АБАДИЙ ЯНГРАСИН. ФАРЗАНД ВА  
НАБИРАЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЙУЛИДА ФИДОКОРОНА  
МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ЮРТДОШЛАР, ВАТАН ОЗОДЛИГИ  
КУНИ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!



Истиқлол берган имкониятлар

## Оғизбирчиликни буюк фазилатга айлантириш керак

Дунёнинг ривожланаётган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалаган Ўзбекистонда ва унинг ажралмас қисми бўлмиш Қарақалпогистонда кечाटган туб ислоҳотларнинг негизида шубҳасиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсишини таъминлаш ва албатта, фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишдек мақсад мушассамдир. Айни пайта Қарақалпогистон Республикасида бир миллион тўққиз юз мингдан ортиқ киши истиқомат қиласди. Аҳолининг 1 миллиондан зиёдрогини эса ёшлар ташкил этмоқда

Ҳеч кимга сир эмаски, узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта етиштиришга ихтиносослашган туманлар ва унинг олис овулларди тизимли муаммолар юзага келиб, бу аҳолининг кундан кунга ўсиб бораётган талабларига жавоб бермай колган эди. Аммо кейнги йилларда давомида аҳоли муаммоларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди, мутасаддилар қозоғда эмас, амалда одамларни, уларнинг дардини эшта бошладилар.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» сингари йириг дастурлар эса овул ва маҳаллалари йигилиб қолган ижтимоий-иктисодий муаммолар ечимида айланди. Газ, сув, электр энергияси бормаган худудларга табий газ, электр энергияси, ичимлик сув тармоқлари тортилди. Бу эса фуқароларимиз, айнича, кам таъминланган, бокучисидан айрилган, ногиронлиги мавжуд ва ёлғиз бошли одамларнинг ёртанинг кунга бўлган ишончини ўфтоди.

Маълумки, Қарақалпогистон деганда кўпчилик белаён сархони, кургокчи ерларни ва албатта, Оролденгизини кўз олдига келтиради. Дарвоғе, Орол ҳақида гап кеттанди кейинги уч йилда Қарақалпогистоннинг ёнг чекка туманларидан бирни бўлган Мўйноқда чин маънода оламшумуп ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини таъкидлаш жою.

90 йиллар охирида Орол буйи аҳолисининг экологик фонея, яъни Орол денгизининг куриши ерларнинг шўрланиши оқибатларини бошдан кечирганини айтиш жоиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қарақалпогистон Республикасига илк ташрифлари чоғидаёқ минтақадаги экологик вазиятини буткун ўзгаришириш бўйича кутилмаган ташаббусларни илгари сурғанлари гўё кечаги-

дек эсимизда. Шундан кейин Оролнинг қуриган соҳилларини ободонлаштириш, яшил худуд барпо этиш, саксовулзорлар яратиш борасида аниқ манзилли ишлар амалга оширилди. Даствлаб, 500 минг гектар майдонда оммавий равишда саксовул экишга киришилди. Айни пайта келиб экологик аҳвол сезиларди даражада ўзгарди. Жорий йилда эса яна 700 минг гектар майдонини кўкаламзорлаштиришга киришилди.

Икки йилдан бери чўлга чидамли дарахт кўчатларини ўтказиш бўйича амалий ишлар олиб борилаётган бўлса, Мўйноқ маркази улкан қурилиш майдонига айланди. Туманда катта амфитеатр, ёшлар маркази, футбол стадиони, Орол денгизи музейи, замонавий уйлар қад қўтарили, кўча ва ўйлар таъмирланди. Бундан уч йил илгари тумандан чиқиб кетган одам бугун Мўйноқка келса, уни танимай қолади. Бу муболага эмас.

Илгарилар ушбу худудга борган киши биринчи галда мавжилини оқкан денгиз ўрнида саҳро пайдо бўлганини кўриб дили оғриси, бугунга келиб давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилганини ўзгаришириш таскин топади. Очиғини айтиш керак, давлатимиз раҳбарининг Бир-

лашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеяси минбарида туриб, Орол ҳудудига дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этиши, натижада Оролбўйида бошланган эзгу ишлар одамлар қалбида ишонч пайдо килди, бошқачароқ айтганда ўйқолган ишончни қайтади.

Яна бир нарсани фаҳр билан айтиш керакки, бундай ишлар халқимизни ягона мақсад сари бирлаштириди. Ўртимизнинг турли бурҷакларидан келаётган кўнгиллилар ўз хоҳиши билан ҳудуддаги қурилиш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта хисса қўшмоқдалар. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирларни идоралари вакиллари ҳам иштирок этдилар. Аҳиллида, оғизбирчиликда, албатта, гап кўп. Кўпнинг тилаги, ҳаракати шубҳасиз, ўз мевасини берадими.

Хар бир фуқаро, у раҳбар ёинки оддий ишчи бўладими бирлашса, бир-бирини тушунса, мамлакатда барқарорлик бўлади. Нукус шахри марказида ҳам айнан Президентимиз ташаббуси ва кўллаб-куватлари билан Ўзбекистон ва Қарақалпогистон Республикаларининг 55 метрлик маҳобатли байроқлари, флаг-

штоклар ўрнатилди. Бугунга келиб бу масканга келган ҳар бир одам ҳиллираб турган миллий байроқларимизга қараб, фахрланади. Очиқ осмон, тинч ва фаровон ҳаёт. Бу ҳар бир инсоннинг ягона тилаги десак янглишмаган бўламан.

Юртимизда ҳалқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари ҳалқи хизмат қилиши керак деган тамойил асосида яшай бошлаганимиз учун ҳам фуқаролар учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Айнича, кейинги тўрт ўйларда раҳбар ходимлар, депутатлар жойларда бўлиб, аҳоли билан бевосита, тўғридан тўғри учрашиб, уларнинг дарди, муммом ва истакларини эшишияти.

Натижада йиллар давомида тўпланиш қолган муаммоларга босқичма-босқич ечим топиляти. Соддароқ айтганда, чекка бир қишлоқдаги чекка, мунгайлан, кўримсиз ҳовлилар мутасаддилар кўммагиди ихам ва мўжаз хонадонга айланаб, ишсиз, қадди йўқликтан чўккан одам ишга жойлашиб, оиласини бокча бошлади. Буни биз ўз кўзимиз билан кўриб, гуво бўляпмиз.


Яна бир нарсани айтиш керак. Ҳеч кимга сир эмас, илгари депутатлар нима иш қилишини оддий одамлар ҳатто билишмас, устига устак,

Венера КАЛЕНОВА,  
Қарақалпогистон  
Республикаси Жўқорги  
Кенгесидаги Ўзбекистон  
«Миллий тикланиш»  
демократик партияси  
фракцияси аъзоси





ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ БИЛАН  
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ  
МУБОРАҚБОД ЭТАМИЗ.  
ЖОНАЖОН ЮРТИМИЗ ОБОД,  
ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ  
ТЎКИН-СОЧИН БЎЛСИН, АЗИЗ  
ЮРТДОШЛАР!



ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛANIШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ  
СИРДАРЕ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

## Куйи бўғин зиммасидаги энг юқори масъулият

Кутубхона манзуда кирсаннишни таҳдиди. Кирсаннинг оғизига ҳам шоҳона байрамимиз — истиқоллиниң 29 йиллиги кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда.

Суҳбат жараёнида партияниң Сайловолди дастури, партия олиби бораётган ишлар ҳақида гапириб бердилар. Шу билан бирга ўтган йилги сайловларда Оҳангарондаги партия аъзоларидан ҳеч ким депутатликка сайланмагани, бунга Нодира опанинг янги ишга келгани сабаб бўлганини ҳам тушундим. Аъзолар сонининг оцилиги ҳам бунга сабаб бўлиди.

Шу боис, Нодира опа қуйи бўғинларни мустаҳкамлаб, аъзолар сонини кўпайтиришга ҳаракат қўлаётган экан. У киши корхонамизда ҳам партия хайриҳоҳлари бўлса, бошлангич ташкилот тузиш, жамоа вакиллари, айниқса, ёшларни партия сафига жалб этмоқчи эканларни айтб қолдилар...

Ўша кундан бошлаб, БПТ етакчиси сифатида иш олиб боярпман.

Бугун ташкилотимизда 30 ёшгача бўлган 218 нафар аъзо бор. Партия дошларимиз орасида рус, татар, қозок, тохик миллатига мансуб ёшлар ҳам борлиги қуонарли, албатта.

Айни пайтда карантини чекловлари юмшатилиб, меҳнат фаолиятимиз яна маромига тушмоқда. Ўз навбатида, БПТ фаолиятини ҳам давом эттирияпмиз. Асосий эътибор Сайловолди дастуримиз ва мақсад-вазифаларимизни ОАВда тарғиб қилияпмиз. Яқинда эса Олий Мажлис Конунчилик палатаси ҳузуридаги ёшлар парламентига Оҳангарондан Шоҳонбек Алиевнинг сайланниши ўйлайдикни, ёшларимизнинг партияга бўлган қизиқишларини оширади.

Имкониятдан фойдаланиб барча юртдошларимизни Мустақилларимизнинг 29 йиллиги байрами билан кутлайман.

Махлиё МИРЗАЛИЕВА,  
Оҳангарон шаҳаридаги «QUALITY  
DIVAY» корхонасидаги БПТ раиси

## Ишонч туйғусидан кучлироқ туйғу йўқ!



Фарғонада ҳам шоҳона байрамимиз — истиқоллиниң 29 йиллиги кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда.

Тан олишимиз жоизки, кейинги йилларда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Энг асосийси, одамлар эркинликни қоғозда эмас, амалда ҳис эта бошладилар. Бошқача айтганда, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқук ва манфаатларни ибораси асл моҳиятига қайди.

3 млн. 800 минг киши истиқомат қилаётган вилоятда ишлаб чиқариш ривожланиб, янги иш ўринлари яратилаётгани энг катта ютуқларимиздан биридир.

2019 йилда биргина пиллачи-

лик соҳасида 11 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилибди. Пиллакорларга бир кило хомаше учун 17-21 минг сўмдан ҳақ тўлангани иктиносиди манбаатдорликка йўл очди.

Йил охирида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспортидан 275 млн. доллар миқдорида даромад олингани эса агарар соҳа имкониятларининг тобора кенгайб бораётганини кўрсатади, албатта.

Жами инвестиция ҳажми эса 400 млн. доллардан ошиди.

Одатда кексаларимиз дуога кўнглиларидан Оллоҳдан тинчлик-омонлик, сиҳатсаломатлик ва хотиржамлик сўрашади. Тинчлик ва хотиржамлик нақадар бебаҳо неъмат эканини эса пандемия даврида

кўрдик. Аммо Президентимизнинг ўз вақтида тўғри қарорлар қабул қилганлари, ҳалқи йўлаб, барча чора-тадбирлар амалга оширилган туфайли ҳам иллат чекина бошлади. Улуғ байрамимиз арафасида шуни айтмоқчиман: 20 дан ортиқ мамлакатда бўлган иши сифатида амин бўлдимки, бирорта давлатни Ўзбекистонимизга қиёслаб бўлмайди. Ишонинг ер юзида Ўзбекистондек гўзал, ҳалқимиздек самимий одамлар йўқ. Унинг ривожи, тараққиёти учун ҳар қанча курашсак арзайди. Истиқол байрами муборак бўлсин, азизлар.

Гуломжон МАДУМАРОВ,  
халқ депутатлари Марғilon  
шаҳар Кенгаши депутати

## Ёдда қолган лаҳзалар

Адашмасам, 1991 йил, август ойининг 25 санаси эди. Радиодан чиқиб, «Детский мир» бўйлаб бораётшиб, атоқли шоиримиз Шукрулло домланин учратиб қолдим.

У кишининг кайфиятлари анча кўтаринки эди: «Қизим, эшитдингизми, мустақиллик эълон қилинадиган бўлди. Энди мустақил давлат бўламиш... Ой охирларида Олий Совет сессияси бўлади ва мустақиллик эълон қилинади», деб қолдилар. Домла у вақтлар Президент ҳузуридаги Маслаҳат кенгаши аъзоси эдилар.

Чиндан Ўзбекистонда ҳам Мустақиллик шамоли сезилиб қолган бўлса-да, аммо воқеаларнинг бу қадар тезлашиб кетишини кўпчилик кутмаган эди. Домлага яхши хабар учун раҳмат айтаб, тезда ортимга қайдим. Янгиликни шошганча «Ватандош» радиоси Баш муҳаррири, устозимиз Тўлаган aka Tўxtaevga айтдим. У киши кўп ҳам ҳайрон

бўлмай, «жуда яхши, агар сессия бўлса, уни ўзингиз ёритасиз», деб қўя қолдилар...

Чиндан ҳам 31 август куни Ўзбекистон Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Бу куни ҳеч қаён унтумасам керак. Уша куни ранг-баранг интервьюлар олдимки... Қаҳрамонларимдан бири: «Синглим, бугун мен гапирмайман. Бугун Ўзбекистон мустақил бўлади, ҳалқимиз озодликка чиқади, деганимда устимдан кулгунлар гапирсан, мазах қилгунлар гапирсан, мен гапирмайман. Аммо мен бугун баҳтиман!» деб қолди.

Ўша пайтларда «Ватандош» радиоси кунига уч маҳал эфирга чиқар эди. Уша куниги эфиримиз эса Олий Совет сессиясидан репортажлар, мустақиллик хабарлари ва интервьюлар билан тўлиб тошиди.

Мустақиллик эълон қилинган кун шу тарзда хотирамда қолган. Тарихий куни эса



Шукрулло домла билан учрашувдан, мамлакат истиқолли эълон қилинган буок сессияdda қатнашишдан бошланган эди.

Ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин.

Мустақилларимиз абдий бўлсин!  
Журналист Мавжуда ЙУЛДАШЕВАнинг  
facebook саҳифасидан  
олинди.

## ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



**ЎЗБЕК ҲАЛҚИ ИСТИҚЛОЛГА  
ЭРИШИШ, ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛГА  
КИРИТИШ ЙУЛИДА МИНГ-МИНГЛАБ  
ФАРЗАНДЛАРИДАН АЙРИЛГАН.  
БУГУН АНА ШУНДАЙ МАРД ВА ЖАСУР,  
ФИДОЙИ ВА ФУРУРИ БАЛАНД АВЛОД  
ВАКИЛЛАРИ БУЮК АЖДОДЛАРИ  
ХОТИРАСИНИ ҲУРМАТ БИЛАН ЁДГА  
ОЛМОҚДА.**



**ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ ҚУТЛУФ  
БЎЛСИН, АЗИЗ ЎРГДОШЛАР!**

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИГ

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Буюк тарихи ва буюк ўтмишига  
муносиб бўлишдек буюк мақсадлар сари  
интилаётган жонажон Юртимизга кўз  
тегмасин.

Истиқлолимиз абадий бўлсин, азизлар!



Табрик

29  
ЙИЛ

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!  
ОНА ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУФ  
БАЙРАМИ АРАФАСИДА  
СИЗЛАРГА МУСТАҶКАМ СОГЛИК  
ВА ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙМИЗ.  
ИСТИҚЛОЛИМИЗГА, ЖОНАЖОН  
ВАТАНИМИЗГА ҲЕЧ ҚАЧОН  
КЎЗ ТЕГМАСИН!

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИГ

# САМАРКАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Йигитликда йиг илмнинг маҳзани,  
Қарилек чоги сарф қилилганни.

Алишер Навоий

# СҮНГГИ САҲИФА

 Сешанба  
 1 сентябрь, 2020  
 № 31-32 (1082)


Мукофот муборак!

## ОТА-ЎҒИЛГА ДАВЛАТ МУКОФОТИ

«Наврӯз» маҳалласидаги ушбу оиласда қўшалоқ байрам. Ота ва ўғил – бир кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Махмуджон Аманов 2013 йилдан бери Мирзаобод туманидаги кўпмиллатли «Наврӯз» маҳалласида раис вазифасида ишлаб келади. Халқ депутатлари Мирзаобод туман Кенгаши депутати. Унинг маҳалла-кўйга ғамхўрлиги, доимо одамлар муаммосини ҳал этишга шай туриши сингари фазилатлари байран арафасида давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Содик хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Ўғли Азизжон Эшбеков эса инглиз тилига ихтисослаштирилган мактаб интер-

натининг 11-синфида ўқиши билан бирга, Физика фани бўйича вилоят ва республика танловларининг голиби ҳамdir.

От изини той босар, дегандаридек, отаси тақдирланган куни Азизжон ҳам «Мард ўғлон» давлат мукофотига сазовор бўлди.

Бир оиласнинг икки вакилига бир кунда давлат мукофоти топширилиши қувонарли воқелик, албатта. Оила бекаси Ниулуф Аманованинг айтишича, хушхабарни биринчи бўлиб қўшиллари суюнчилашибди. У ушбу мукофот факат оиласга змас, маҳалламизга берилган мукофотид, дейди.

Инобат СУЛТОНОВА, журналист, Мизаобод туман ҳокимлиги Ахборот хизмати.

## Жаҳонда

### АҚШ синовларни тугатмасдан COVID вакцинасини амалиётда кўллаши мумкин

АҚШ Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий воситалар устидан санитар назорат бошқармаси раҳбари Стивен Ханнинг «Financial Times»га маълум қилишича, маҳкамама коронавирусга қарши вакцина маълум салбий ҳолатларни намоён этмаса, дори воситасининг учинчи босқич синовлари тугамасиданоқ унинг самараляни эканини тасдиқлади.

«News.ru»нинг бу ҳақдаги маълумотига қараганда, АҚШда «Moderna», «Pfizer» ва «AstraZeneca»



компанияси ишланмалари асосида коронавирус вакциналари синови ўтказилмоқда.

Президент Доналд Трамп COVID-19 вакцинаси АҚШдаги президентлик сайловларига қадар тайёр бўлишини эълон қилганди.

Ханнинг айтишича, маҳкамама томонидан аҳолининг маълум тоифаларига нисбатан фавқулодда тарзда вакцина амалиётини кўллашга руҳсат берилиши мумкин. Бу ҳолат кенг ҳалқ оммасига хавфсиз вакцина етказилиши йўлидаги саъи-ҳаракат ҳам ҳисобланади.



### Японияда янги бош вазир сентябрь ойи ўрталарида сайланади

Синдзо Абэнинг истеъфосидан кейин Японияда янги бош вазир сентябрь ойи ўрталарида сайланади, дейилади «Kyodo» агентлиги хабарида.

Амалдаги либерал-демократик партияning 14 сентябрь куни сайланувчи раиси хукуматни бошқаради. 17 сентябрда мамлакат парламентида янги бош вазир тасдиқланиши лозим. Хозирда учсиёй партия етакчилари ва бир

ваqtнинг ўзида бош вазирликка номзод бўлиб тургани маълум қилинган.


«Хозирги пайтда либерал-демократик партияда номзодларга овоз берилиши жараёнига тайёргарлик кўрилмоқда», дейилади маъломутда.

Эслатиб ўтамиз, 28 августда Япония бош вазiri Синдзо Абэ хасталиги туфайли ўз лавозимидан истеъфо берганди.

Шу йилнинг 31 август куни мамлакатимизда 365 ҳолатда касаллик қайд этилган бўлиб, барчasi тана ҳарорати кўтарилигинги боис профилактика мақсадида ҳамда коронавирусга ҷалинган беморлар билан мулоқотда бўлганилиги сабабли намуна олинган фуқаролар орасида

аниқланган. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида 4 нафар, Қашқадарё вилоятида 1 нафар, жами 5 нафар коронавирусга ҷалинган бемор вафот этди. Бугун Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент ҳамда Наманган вилоятларида жами 456 нафар бемор соғайди.

Ҳозирда касаллик қайд этилган жами 41 893 нафар бемордан 39 275 нафари соғайиб, даволаниш кўрсаткичи 93 фойзни ташкил этмоқда. Айни пайтда тиббиёт муассасаларида даволанаётган 2298 нафар бемордан 275 нафари оғир, 147 нафари эса ўта оғир аҳволда.



Коронавирус юқтирганлар

# 41 893

нафарни ташкил этмоқда

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер КОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПУЛАТОВ, Амирдин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Оргиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ, Шуҳратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:

Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ  
МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,  
Миробод tumanni,  
Буқ Турон кўчаси,  
41-й.

Газета тахририят  
компьютер  
марказида терилди  
ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри  
тахририят нуқтаи  
назаридан фарқ  
килиши мумкин.

Тахририятта келган хатлар доимий  
эътиборимизда бўлиб, улар  
муаллифларига кайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:  
Равшан МАҲМУДОВ  
Навбатчи:  
Моҳира БАХТИЁРОВА  
Дизайн:  
Мамъуржон КУДРАТОВ

Электрон почта:  
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Кабулхона (факс): (0-371) 232-12-03, +99897 741-20-22, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» наприёти-матбаа акциядорлик компаниясида  
чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-й

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 раками билан рўйхатдан ўтган.

Газета хафтанинг чоршанба куни чиқади.

Алади – 2909.

Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Қоғоз бичими: 350x587. Ҳаҷми: 6 босма табок

Буюртма – 926

Бошишга топшириш вақти 21.00.

Топширилди 3:00

ISSN 2010-7714

12345